

## "Сунний ақийдалар" китобининг видео шарҳи



17:00 / 09.07.2019 2737

Азиз Islom.uz портали мухлислари!

Ҳаммамиз яхши биламизки, аҳли сунна вал жамоа ақийдасини пухта ўрганиш ва асл моҳиятини англаб етиш ҳар бир мўмин-мусулмон учун вожиб ҳисобланади. Бу илми, айниқса, шу кунларда янада чуқурроқ билишга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда.

Ислом оламининг ёрқин намояндаси, муҳаққиқ олим, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ томонидан «Сунний ақийдалар» номли беназир асарни ёзиб қолдирганлари бу эҳтиёжни қондиришда айнаи муддао бўлади десак муболаға бўлмайди. Бунинг нечоғли хайрли иш эканини таърифлашга тил ожиз. Ақийда илми мукамал тушунтирилган ушбу илмий асарни халқимизга содда ва равон тилда етказиш учун уни шарҳлаб, тушунтириб берилишига зарурат

сезилмоқда. Кўплаб мухлисларимизнинг талабларидан келиб чиқиб, Islom.uz портали жамоаси Аллоҳ таолодан ёрдам сўраган ҳолда шайхимиз Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг мазкур асарлари шарҳини сиз азизларга видеотўплам шаклида тақдим этишни ният қилди. Ўқувчиларимизга енгил ва тушунарли бўлиши учун мавъизалар китобдаги мавзуларнинг кетма-кетлиги тартибида бериб борилади.

Китобнинг шарҳи шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг садоқатли шогирдлари, юртимизнинг таниқли уламиси, Тошкент шаҳридаги «Усмон ибн Мазъун» жоме масжиди имом хатиби Исҳоқжон домла Муҳаммаджон ўғли томонидан тақдим этилади. Аллоҳ таоло динимиз арконларини ўрганиш йўлидаги барча саъй-ҳаракатимизга Ўзи ёрдамчи бўлсин.